



08.11.2019



ОЛМАЛИҚ шаҳар адлия бўлимига тадбиркор Ли Вера мурожаат қилди. Маълум бўлишича, “Олмалиқ деҳқон бозори” реконструкция қилиниши натижасида унга тегишли бўлган савдо дўкони бузилган. Ушбу бузилиш натижасида фуқарога бозор худудидан ер майдони ажратиб берилган, бироқ қонун ҳужжатлари билан кафолатланган компенсация пули тўлаб берилмаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида аниқланишича, Ҳукумат Қарори асосида Олмалиқ шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинган бўлиб, бузилиши кўзда тутилган объектлар ўрнига ўриндош тарзда “Ойдин деҳқон бозори” орқа томонидан дўкон мулкдорларига савдо дўкони қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилган.

Бироқ ушбу савдо дўкони бузилишидан олдин мустақил баҳоловчи ташкилот “AMIR AVTO BAHOLASH” МЧЖ томонидан 20.451.363 сўмга баҳоланганлигига қарамасдан, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сон қарори талаблари бузилган.

Ушбу масалани қонуний ҳал қилиш мақсадида шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ҳамда суднинг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро Ли Вера фойдасига савдо дўкони биноси бузилиши муносабати билан жавобгар Олмалиқ шаҳар “Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖ ҳисобидан компенсация учун 20.451.363 сўм ҳамда Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан маънавий зарар учун 500.000 сўм миқдорида пул маблағ ундириб берилди.

Ислом НОЁБОВ,

Олмалиқ шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Сўнгги янгиликлар:

- [Пинҳона уланган тармоқ охир-оқибат фош этилди \(2019 йил, 45 сон\)](#) [3]
- [Вояга етмаганлар нега жиноятга қўл урмоқда? \(2019 йил, 45 сон\)](#) [4]
- [Ҳаётнинг ёрқин ранглари кўп уни кўра билиш учун буюк қалб керак \(2019 йил, 45 сон\)](#) [5]
- [Оила, маҳалла, давлат бу тушунчалар бир-биридан айро эмас](#) [6]
- [Тилимизни таназзулдан асрайлик! \(2019 йил, 45 сон\)](#) [7]
- [Тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилмоқда \(2019 йил, 45 сон\)](#) [8]
- [Қулайлик: хизмат ходими ҳам баҳоланади \(2019 йил, 45 сон\)](#) [9]
- [Ҳуқуқий мадад — ҳаммага, ҳар доим, ҳамма жойда! \(2019 йил, 45 сон\)](#) [10]
- [Ҳуқуқий тарғибот. Сайлов жараёнида фаол иштирокни таъминлайди \(2019 йил, 45 сон\)](#) [11]
- [Ўзбекистон норма ижодкорлигида баҳолаш услубиётини жорий қилишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/5087>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/5087>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5087>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5111>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/5110>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/5109>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/5108>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/5106>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/5105>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/5104>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/5102>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/5100>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/5098>